

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ БИРИНЧИ  
ИНСТАНЦИЯ СУДИДА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ  
БОСҚИЧЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7831451>

Давронов Улуғбек Абдурахмонович<sup>34</sup>

**Аннотация:** *мазкур мақола Маъмурий суд ишларини юртиши бўйича биринчи инстанция судида маъмурий ва оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларини кўриб чиқишнинг тарихий ривожланиш босқичларининг асослари ва ҳуқуқий таҳлилини очиб беради.*

**Калит сўзлар:** *ислохотлар, инсон манфаатлари, конституция, умумжаҳон декларацияси, ҳаракатлар стратегияси, тараққиёт стратегияси, кодекс, қонун, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, суд тузилмаси.*

РАССМОТРЕНИЕ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ДЕЛ В СУДЕ ПЕРВОЙ  
ИНСТАНЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ЭТАПЫ ИСТОРИЧЕСКОГО  
РАЗВИТИЯ

**Аннотация:** *в данной статье раскрываются основы и правовой анализ этапов исторического развития рассмотрения дел, возникающих из административных и массовых правоотношений, в суде первой инстанции по ведению административного судопроизводства.*

**Ключевые слова:** *реформы, интересы человека, конституция, всеобщая декларация, стратегия действий, стратегия развития, кодекс, закон, материальные и процессуальные правовые нормы, судебная структура.*

CONSIDERATION OF ADMINISTRATIVE CASES IN THE COURT OF FIRST  
INSTANCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN STAGES OF HISTORICAL  
DEVELOPMENT.

**Annotation:** *this article reveals the basics and legal analysis of the stages of historical development of the consideration of cases arising from administrative and mass legal relations in the court of first instance on the conduct of administrative court proceedings.*

**Key words:** *reforms, human interests, constitution, universal declaration, action strategy, development strategy, code, law, substantive and procedural legal norms, court structure.*

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги судьялар олий мактаби тингловчиси

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий-демократик ривожининг бугунги кундаги асосий йўналиши ва тамойиллари негизида аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатлари ҳамда халқнинг фаровонлиги ётади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида “Суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи” тўғрисидаги нормалар келтирилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир деб кўрсатилган ўтилган<sup>35</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони<sup>36</sup> билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, **маъмурий суд иш юритувининг** процессуал асосларини такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4966-сон Фармони<sup>37</sup> суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Фармонга мувофиқ 2017 йилнинг 1 июндан бошлаб, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди. Шу кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш фуқаролик ва иқтисодий судлари томонидан амалга оширилаётган эди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўтган 2020 йилда ҳам жадал амалга оширилиб, суд тузилмасида бир қатор янгиликлар амалга оширилди, шунингдек,

<sup>35</sup> ЎРҚ-703-сон 28.07.2021. Судлар тўғрисида (lex.uz)

<sup>36</sup> ПФ-4947-сон 07.02.2017. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (lex.uz)

<sup>37</sup> ПФ-4966-сон 21.02.2017. Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида (lex.uz)

инсон манфаатларини, очиклик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан ҳам Президентимизнинг қарор ва фармонлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони<sup>38</sup> суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бериш учун асос бўлди десак муболаға бўлмайди.

Айнан ушбу Фармонга мувофиқ 2021 йилнинг 1 январдан бошлаб, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилди, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши белгиланган, шунингдек 2021 йил 1 январдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мутақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли Фармони<sup>39</sup> билан мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги ЎРҚ-462-сонли Қонуни<sup>40</sup> билан маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси<sup>41</sup> тасдиқланди. Мазкур Қонун 2018 йил апрелдан қонуний кучга киритилди.

Мазкур Қонун қабул қилинишининг энг олий мақсадларидан бири бу, маъмурий суд ишларини юритишда, Маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устиворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки

<sup>38</sup> ПФ-6034-сон 24.07.2020. Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ([lex.uz](http://lex.uz))

<sup>39</sup> ПФ-6127-сон 07.12.2020. Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ([lex.uz](http://lex.uz))

<sup>40</sup> ЎРҚ-462-сон 25.01.2018. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида ([lex.uz](http://lex.uz))

<sup>41</sup> 25.01.2018. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ([lex.uz](http://lex.uz))

низолашаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга кўмаклашиш ҳамда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборатдир. (4-модда)

Маъмурий ишлар бўйича биринчи инстанциясида судида иш юритиш ушбу кодекснинг иккинчи бўлимда акс эттирилган.

Ушбу бўлимнинг 16-бобида иш кўзғатиш қоидалари баён қилинган.

Жумладан, 127-моддада иш кўзғатиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд манфаатдор шахсларнинг, прокурорнинг ҳамда давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларининг аризалари бўйича иш кўзғатиши белгиланган.

Шунингдек, (131 модда) Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Судья аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза (шикоят) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмасдан яқка тартибда ҳал қилиши белгиланган.

Кодекснинг 17-боби ишни суд муҳокамасига тайёрлаш қоидалари баён қилинган, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида судья томонидан асосий процессуал ҳужжатлардан бири бўлган ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим қабул қилиниши белгиланган, ажримнинг шакли ва мазмунига нисбатан процессуал қонун ҳужжатларида қўйиладиган талабларга риоя қилмаслик уни қабул қилишда хато ва камчиликларга йўл қўйилишига, тарафлар томонидан шикоят аризаларининг кўпайишига, турлича талқин қилинишига, юқори инстанция судларида ҳам баҳсли мунозаралар келиб чиқишига ва охир оқибат фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳамда судга мурожаат қилувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлади.

Кодекснинг 18-боби суд муҳокамасининг қоидалари баён қилинган бўлиб, суд муҳокамаси дегани - бу маъмурий ишни кўриб чиқиш ва мазмунан ҳал қилишдан иборат бўлган суд жараёнидир.

Суд ишга оид далилларни ҳар томонлама ва ҳолисона ўрганиш асосида маъмурий ишни тўғри ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий ҳолатларни аниқлайди, муайян ҳуқуқий муносабатлар доирасида томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди ҳамда давлат номидан низонинг моҳияти юзасидан суд қарорини қабул қилади.

Маъмурий ишлар судда ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда мазмунан кўриб чиқиши лозим. Кодексда алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Умумий тушунчалардан келиб чиқиб алоҳида ҳолатлар, яъни маъмурий иш муҳокамасини мураккаблаштирадиган ҳолатларни тушуниш мумкин. Булар жумласига, аризачи, жавобгар ва ишда иштирок этадиган шахсларнинг сони, бир қанча гувоҳларни сўроқ қилиш, чет давлатларга сўровнома юбориш ёки ҳужжатлар олиш, чет эл фуқароларининг қатнашиши, далил ёки ишга оид ҳужжатлар ҳажмининг кўплигини мисол қилиш мумкин.

Биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича Кодекснинг 19-бобида белгиланган қоидалар асосида суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади.

Ҳал қилув қарори – моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари талабларига аниқ риоя қилинган ҳолда, қонуний, асосли ва адолатли тарзда чиқарилиши керак, бироқ ҳал қилув қарорларини қабул қилишда ушбу талабларга жавоб бермаслик, ҳал қилув қарорларида далилларни таҳлил қилмасдан, уларга ва билдирилган вазиятнинг барчасига ҳуқуқий баҳо берилмаган ҳолатларда, шунингдек, аниқланган ҳолатлар юзасидан судьянинг муносабати фикри баён қилинмасдан, низо бўйича суднинг хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаганда, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри талқин қилинганда, иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатларни кўрсатмасдан, ариза (шикоят)ни қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини батафсил кўрсатмаслик каби хато ва камчиликлар бўлганда қабул қилинган ҳал қилув қарорининг юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига олиб келади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сонли Қарори<sup>42</sup> қабул қилиниши билан судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга, бугунги кунга қадар судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилиб келинган.

Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш мақсадида, қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди ва булар

<sup>42</sup> ПҚ-4818-сон 03.09.2020. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ([lex.uz](http://lex.uz))

биринчи инстанция судида маъмурий ишларни кўришда ва қонунийликни таъминлашда алоҳида ўрин тутати:

- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;

- судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олиншини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;

- суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;

- суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тартиблари жорий этилди;

- 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

- 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

- 2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони<sup>43</sup> билан «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу Фармоннинг 15-бандида, Тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилиши; **қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш**

<sup>43</sup> ПФ-60-сон 28.01.2022. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида (lex.uz)

*мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлаш*; ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйиш белгиланган.

Шуниндек, мазкур Фармон билан тасдиқланган 1-илова, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши мақсадлари белгиланиб олинди, **II. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш мақсад қилинган.**

**15-мақсадда эса:**

- давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш;

- маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш;

- «Хабеас корпус» институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш;

- суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш;

- судлар тизимида «ягона дарча» тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар, қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш;

суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш;

низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш;

суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш;

судьялар корпусини шакллантиришда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш;

суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш каби нормаларни қўллаш белгиланган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли Қарори билан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш зарур эканлигини белгилайди.

Хусусан, . Жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончни янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш талаб этилишини белгилаш лозимлигини, Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида:

маъмурий суд ишларини юритишни «суднинг фаол иштироки» тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш ва бир қанча нормаларни қўллаш бўйича янги нормаларни киритиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-810-сонли Қонуни<sup>44</sup> билан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг айрим моддалари чиқариб ташланди.

Бугунги кунга қадар ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномалари туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб келинган эди.

Туманлараро маъмурий судлар фақат вилоят марказларида жойлашганлиги, худудлар географик жойлашуви бўйича бир-биридан узоқда жойлашганлиги ва ички ишлар органлари ходими мазкур иш билан шуғулланиши давомида ўз хизмат жойини узоқ муддат бўш қолдираётганлиги туфайли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш амалиётини фуқароларга қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди ва ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларнинг судловига ўтказилди.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб

<sup>44</sup> ЎРҚ-810-сон 16.12.2022. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида (lex.uz)



чиқишга доир нормалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказилди.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликларнинг ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилиди деб ҳисоблаш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳатларининг асосий мақсади аввало қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгандир.